

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2007 йил, 26 июнь, СЕШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

●Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, боғхона ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, Санитария-эпидемиология маркази ва «Ўзстандарт» агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма семинар Вазирлар Маҳкамасининг махсусотларни сертифицилаштириш тартибини соддалаштиришга бағишланган қарорлари талабларининг ижросига бағишланди.

●Тошкентда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида Бухоро, Самарқанд ҳамда Сирдарё вилоятларидаги ҳудудий телестанциялар фаолияти билан яқиндан танишиш, ижодий ва техник ходимлари учун яратилган шароитларни ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган қўшма семинар яқунларига бағишланган умумий конференция бўлиб ўтди.

●Сайхунобод туманидаги «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида фермерлар 40 та кам таъминланган оилага бепул сигир олиб берилди.

●Қумқўрғон туманидаги «Турон» акциядорлик жамияти, Шеробод пахта тозалаш заводи, «Шарғун кўмир» ва «Хўжайкон туз» акциядорлик жамиятлари ва «Сурхонтекс» қўшма корхонасида қасаначилик асосида 80 га яқин иш ўрни яратилди. Йил охиригача яна вилоятдаги йирик корхоналарда 1 минг 248 та, кичик саноат корхоналарида эса 931 та янги иш ўрни ташкил этилади.

●Хива шаҳри марказида Урганч Давлат университети қошидаги 4-академик лицей биноси қурилиши бошланди. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 300 миллион сўмлик мазкур муассаса 810 ўқувчиға мўлжалланган бўлиб, уни «Хоразмқурилиш» акциядорлик жамияти бинокорлари бунёд этмоқдалар.

●Республика Олимпия захиралари колледжиде юнон-рум кураши бўйича яқунланган мамлакат чемпионатида 150 нафар спортчи 8 та вазн тоифасида гиламга чиқди.

ЖАҲОНДА

●Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида Исроил-Фаластин саммити яқунланди. Саммит натижалари тез орада минтақада тинчлик жараёни барқарор бўлишидан далолат беради. Хусусан, анжуманда Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт ФАТХ ташкилотининг ҳибсдаги 250 нафар аъзосининг озодликка чиқарилиши тўғрисида таъкидлаб ўтди.

●Парижда Суданнинг Дарфур музофоти бўйича ўтказилган халқаро конференция ниҳоятга етди. Анжуман қатнашчилари Дарфурдаги муаммоларни музокара билан йўли билан ҳал этишга келишиб олдилар. Шунингдек, Судан нефтидан тушадиган маблағнинг жангарилар қўлига ўтмаслиги учун нефтни назорат қилиш лозимлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

●Муддатидан олдин истеъфога чиқаётган Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Бирлашган қиролликнинг энг нуфузли мукофоти—Боғичли ордендан қуруқ қолиши мумкин. Маълумотларга кўра, Букнинг саройи Блэрни ушбу мукофот билан тақдирлаш ниятида эмас. Муқобил сифатида эса Тони Блэрға Шотландиянинг Олий рицарлик ордени тақдир этилмоқда.

●Мексикада коррупцияга қарши кескин кураш олиб борилиши доирасида 300 нафар полициячи тест синовларидан ўтказиш мақсадида вақтинчалик вазифасидан четлатилди.

●Ироқнинг жиноий ишлар бўйича олий трибунали Садам Хусейннинг амакиваччаси Али ал-Маждидни ўлим жазосига ҳукм қилди. «Кимёвий Али» лақабли ушбу кимса 80-йиллар охирида Ироқ шимолида ўтказилган «Ал-Анфал» амалиётига бошчилик қилган эди.

●Кеча Россиянинг Воркута шаҳрида жойлашган «Комсомольск» кўмир қонида метан газининг портлаши оқибатида 6 киши ҳалок бўлди, 4 киши эса бадарак йўқолди. 250 нафар қончи эсон-омон тепага чиқариб олинди. Ҳозирда қидирув ва кутқарув ишлари давом этмоқда.

●Ирландияда ўтказилаётган авиашоу пайтида парвоз қилаётган вертолётнинг эшиги ногаҳон узилиб тушди ва натижада 3 киши жароҳатланди. Ҳозирда ушбу ҳодисанинг сабаблари аниқланмоқда.

●Японияда яратилган ҳар қандай об-ҳаво шароитида мушакил ишлаш оладиган роботдан табиий офатларда кутқарувчи сифатида ва турли оғир ишларда фойдаланиш мумкин. Бўйи 160 сантиметр, вазни 68 килограмм бўлган ушбу робот 125 минг АҚШ долларига баҳоланган. Бундай роботларни 2010 йилда серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

●Кеча Англияда Катта дубулға туркумига кирувчи жаҳондаги 4 та энг нуфузли мусобақалардан бири — теннис бўйича Уимблдон турнири бошланди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кисса сатрларда

●ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида ушатирилган давра суҳбатда адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

●КЕЧА Ҳамза туманидаги 244-мактаб қошидаги ёзги соғломлаштириш оромгоҳида Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида ушатирилган тadbир ва концерт томошаси «Рақс кечаси» деб номланди.

●МУҚИМИЙ номидаги ўзбек мусикали комедия ва драма театрида театр илҳосмандларига «Улдинг, азиз бўлдинг» спектакли намойиш этилди.

●ПОЙТАХТИМИЗДА «Гул олами» мавзусида ёшлар ўртасида гулдаста тайёрлаш бўйича ушатирилган тadbирда германиялик мутахассислар ҳам иштирок этишди.

●АЙНИ кунларда Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорликларида Тасвирий санъат галереясида ташкил этилган «Тетрагон ва пилланг ўғирлашиш» мавзусидаги расмлар кўргазмаси 22 июлгача давом этади.

●ЎЗБЕКИСТОН пиллачилик ва ипакчилик илмий-тадқиқот институтида соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган семинар пиллачилик ва ипакчилик ривожига замонавий технологияларнинг ролига бағишланди.

●ТОШКЕНТ автоматика ва электроника коллежиде педагоглар иштирокида ушатирилган семинар электроника ва автоматика сирларини ёшларга пухта ўргатиш масалаларига бағишланди.

●БЕКТЕМИР туманидаги 289-мактабда туман ИИБ ходимлари иштирокида балоғат ёшига етган йигит-қизларга фуқаролик паспортлари топширилди.

●РЕСПУБЛИКА Маънавият тарғибот маркази, «Ўзбек театр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликларида Тошкент Солиқ коллежиде ушатирилган тadbир «Ёшлар тарбиясида санъатнинг ўрни» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ТОВАРЛАР ҲАМДА УНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН СИФАТЛИ ВА ЧИРОЙЛИ ҚАДОҚЛАНГАН, ХАРИДОР ДИД ВА ЭХТИЁЖИНИ ҚОНДИРАДИГАН МАХСУЛОТЛАР ЭГАЛЛАТГАНЛИГИ ҲАММУН ТИШИ БАРОВАРИДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ҲАМ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.



Тadbиркорлик

ДАРМОНДОРЛАРГА БОЙ МАХСУЛОТЛАР

Тadbиркорларнинг изланишлари асосида хорижий юксак унумли дастгоҳларнинг келтириб ўрнатилиши, ўнлаб ёшларнинг иш билан таъминланиши, хорижликдан асло қолишмайдиغان махсусотларнинг пештахталардан ўрин олаётгани бунинг яққол далилидир. «Уч лочин» масъулияти чекланган жамиятида ҳам 30 нафар ишчи-хизматчи меҳнатидан самарали фойдаланилиб, Германия ҳамда Туркиядан келтирилаётган хом ашёдан соч ювиш воситалари ишлаб чиқарилаёпти. Ушбу махсусотлар кўриниши жиҳатидан ҳам, сифати билан ҳам талабга жавоб бермоқда. Шунинг баробарида уларга фойдали дармондориларнинг қўшилиши сочинг нормал ўсиши ва мустаҳкамланишига ёрдам беради.

— Махсусотларимизни ишлаб чиқа-

ришда Эрон давлатидан келтириб ўрнатиладиган дастгоҳлардан самарали фойдаланялмиз,— дейди корхона директори Тоҳир Нурмухамедов. — Айниқса, қадоқлашга қаратилган эътибор ҳамда соч ювиш воситаларининг турларини янгилаб боришимиз харидорларимиз сафини оширмоқда. Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, махсусотларимизни 150 граммдан 1 литргача бўлган идишларда қадоқлаймиз. Ҳозирда биз тайёрлаётган товарлар республикамиз бўйича сотилмоқда.

қилади.

Тadbиркорларнинг келгуси режалари хусусида тўхталадиган бўлсак, улар яна бир янги цех очишга ҳаракат қилишмоқда. Ушбу цехда кир ювиш ва тозалаш воситаларининг бир неча турларини тайёрлаш кўзда тутилган. Албатта, ушбу цехда ҳам бир неча одам иш билан таъминланади, замонавий дастгоҳлар эса махсусот сифатини оширишда уларга ҳал қилади. Энг муҳими эса аҳолининг кўл истеъмоли товарларига бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: махсусот турлари кўпаймоқда; корхона менежери Муборак Аҳмедова.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар

Қарор ва ижро



«ЎЗИНФОИНВЕСТ» ПАРИЖДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗИНФОИНВЕСТ» АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ ВА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРГА КўМАКЛАШИШ АГЕНТЛИГИНИНГ ФАОЛИЯТИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.

Тadbирда Франциянинг расмий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари, хорижий дипломатия ваколатхоналари ходимлари ҳамда Париж Халқаро олий бизнес мактабининг профессор ва тингловчилари иштирок этиди.

Тақдимот қатнашчилари республикамизда бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун хорижий сармоядорларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган «Ўзинфойнвест» агентлигининг фаолияти билан атофлича танишилди.

Франциянинг «БРЕФАК» компанияси раҳбари, Ўзбекистоннинг Франциядаги фахрий консули Эрик Коки тadbир иштирокчиларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил демократик ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, хорижий сармоядорлар учун республикада амал қилаётган имтиёз ва афзалликлар тизими ҳақида маълумот берди. У Франция ишбилармон доиралари вакиллари билан Ўзбекистон бозоридеги қўшма иқтисодий лойиҳаларда фаол иштирок этишга чакирди.

Шунингдек, тadbир давомида Париж Халқаро олий бизнес мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш тақдими муҳокама этилди. Франция бизнес мактаби вакиллари ҳамкорлиги ривожлантиришга қизиқиш билдиришар экан, ўзбек ҳамкасблари билан келгусидаги учрашувларда бу масалани батафсил муҳокама қилишга тайёр эканликларини билдиришди.

Франция-Швейцария «Кредит

банк-и департаментининг бошлиги Лоран Росининг айтишича, тақдимот мобайнида иштирокчилар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва ҳар томонлама тараққиёти тўғрисидаги муҳим ва қизиқарли маълумотларга эга бўдилар.

— Ўзбекистон — кўна тарих ва бой маданиятга эга мамлакат, — деди француз эксперти. — Асрлар давомида халқининг жаҳоннинг турли мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантирган ва савдо-сотикчи қай тарзда олиб боришни жуда яқин билган. Юртининг истиклолнинг ўтган 15 йили мобайнида ўзи танлаган мустақил иқтисодий йўлга амал қилган ҳолда катта ютуқларни қўлга киритди.

«Прайс Ваиехаус Купер» халқаро аудиторлик компаниясининг директори Кристиан Мий сўзларига қараганда, Ўзбекистон билан Франция ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигини кенгайтириш учун улкан салоҳиятга эга. «Ўзбекистон Франция ҳамда жаҳоннинг бошқа мамлакатлари ишбилармонлари ва сайёҳларини қулай сармоявий муҳити, диққатга сазовор тарихий жойлари, ажойиб ва ранг-баранг табиати, Буюк Ипак йўлининг афсонавий шаҳар-ганжиналари — Тошкент, Самарқанд, Бухоро билан ўзига жалб этиб келмоқда. Буларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда «Прайс Ваиехаус Купер» компанияси мамлакатингиз билан ҳамкорлигини кенгайтиришни мўлжалламоқда», деди К.Мий.

Файрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Париж

МАМЛАКАТИМИЗДА ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 17 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2006-2010 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ГИ ҚАРОРИ БУ БОРАДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БўЛМОҚДА.

ХАРИДОР КўНГЛИГА ЙўЛ

Ўтган йилнинг ўзида аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳақида 19,3 фоизга ортгани, соҳанинг республикамизда йили миллий махсусотидаги улуши 39,5 фоизни ташкил қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Соҳада амалга оширилаётган изчил

дан катта меҳнат ва масъулият талаб қилади. Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ислам Қаримовнинг 2006 йил 23 февралдаги «Улғуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониға асосан «Узулғуржисавдоинвест» уюшмаси ташкил этилди. Уюшма беш йил муддатга мулк солиғидан, уч йил муддатга ялпи даромад солиғидан озод қилинди. Бўшаган маблағлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тизим моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Бугунги кунда уюшма тизимида 7 республика иқтисослаштирилган улғуржи ва 34 ҳудудий улғуржи база мавжуд. Йил охиригача уларнинг сони янада ошади. Аҳолини йил давомида озиқ-овқат ва ноозик-овқат махсусотлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида товарлар етказиб бериш учун мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари ва хусусий тadbиркорлар билан 162 миллиард сўмликдан зиёд шартномалар имзоланди.

Уюшма томонидан чакана савдо корхоналари ва бошқа истеъмолчиларни, айниқса қишлоқларда, бориш қийин ва тоғли ҳудудларда жойлашган корхоналарни зарур истеъмол товарлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда республика бўйича олти мингга яқин чакана савдо корхоналари билан шартномалар тузилган. Махсусотларни харидорларга етказиб беришни енгиллаштириш ва транспорт харажатларини камайтириш мақсадида улғуржи базалар қошида беш юзга яқин фирма дўкони ташкил этилди. Йил охирига қадар уларнинг сонини саккиз юзга етказиш мўлжалланмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ислохотлар натижасида 137 минг янги иш ўрни яратилди. Татбиқ этилаётган дастурларда 2010 йилга бориб хизматлар соҳасининг мамлакатимизда йили миллий махсусотидаги ҳиссасини 49 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунда савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги хизматларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда шаҳар ва қишлоқларимизнинг қайси қўчасига кирманг, қатор савдо, овқатланиш ва маийий хизмат кўрсатиш шохобчаларига кўзингиз тушади. Чин савдогар савдо маданиятини муккамал эгалламоғи жоиз. Бу эса савдо ходими-

«ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ДИНИ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИДИР»

ЖОРИЙ ЙИЛ АВГУСТ ОЙИДА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРАҚҚИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИГА БАРАҚИЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТАДИ. ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДАН ЮРТИМИЗ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ КУНИ БИЛАН ҚИЗИҚАДИГАН НУФУЗЛИ ОЛИМ ВА ТАДҚИҚОТЧИЛАР УНГА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН.

Бўлажак анжуман иштирокчилари орасида Токио жамғармасининг катта илмий ходими, Яқин Шарқ ва ислом масалалари бўйича мутахассис Йошиаки Сасаки ҳам бор. Кунги кеча конференция таъшилий кўмитасига япониялик олимнинг анжуман учун тайёрлаган нутқи келиб тушди. Куйида бироз қисқартирган ҳолда уни эътиборингизга

ҳавола этмоқдамиз.

«Марказий Осиё доимо ислом динининг маънавий асосларини ўрганиш маркази ва бу борадаги билимларни ошириш борасида олдинги сафда бўлган, — деб ёзди олим. — Ўзбекистон бу жараёнда етакчилик қилган. Самарқанд, Бухоро, Хива ва албатта, Тошкент каби шаҳарларга келганда биз ислом динининг буюк мутафаккирлари ўзларининг ўлмас асарларини яратган ўша кўна даврларнинг ҳаяжонлантирувчи нафасини сезишимиз мумкин. Айтиш жоизки, бу асарлар ҳозирги кунга қадар ҳам ислом маданияти ва фалсафасининг сеҳрли дунёсига элтувчи ўзига хос йўлчи юлдуз вазифасини ўтаб келмоқда.

Ўзбекистонда ислом динининг турли жиҳатларини ўрганиш жараёни мунтазам, ҳавас қилса арзийдиган, маса-

лани кенг ва чуқур қамраган ҳолда кечган. Муқаддас Қуръон ва ҳадисларнинг асл маъноси, моҳияти бузилган эмас. Айнан шу боис ҳам Ўзбекистон замида яшаб ижод этган мутафаккирлар томонидан йиғилган ҳадислар мусулмон дунёсиде энг қимматбаҳо манба сифатида қадрланади.

Ўзбекистондаги диний тадқиқотлар ривожланиб, кенгайиб боргани сайин ислом дини бошқа минтақаларга кириб борган ва бошқа халқлар орасида кенг тарқалган. Шу боис Ўзбекистон ислом динининг Шарққа тарқалишида энг муҳим роллардан бирини ўйнаган, деб бемалол айтиш мумкин. Жумладан, тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ислом динининг Ўзбекистондаги жадал тараққиётида бу дин Хитой маданияти таъсирида бўлган ҳудудларга кириб бора олмас эди.

Шу ўринда мусулмон дини ҳозирги пайтда бир қадар мушкул вазиятда қолганини айтиш даркор. Турли одамлар диний тамойилларни ўз ҳолича таълиқ қилган ҳолда ўзининг гаразли мақсадларига эришишга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, баъзи мамлакатларда ислом тадқиқотлари замонавий дунёнинг ривожланиш суръатини инобатга олмаётгани оқибатида турли англашилмовчилик ва қарама-қаршиликлар келиб чиқаётгани кузатишмоқда.

Дунёда юзага келаётган вазиятни инобатга олган ҳолда диний тадқиқотлар маркази бўлиб келган Ўзбекистон ислом динининг мақсад-вазифалари ва асл моҳияти тўғрисидаги билимларни тарқатишга ўз ҳиссасини қўшиши ва бу жараёнда муҳим аҳамият касб этаверишига умид қиламиз.»

«Жаҳон» АА

ШИДДАТ БИЛАН ИЛГАРИЛАЁТГАН АСРИМИЗДА ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИШ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ҲАР БИР ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАРНИ ВАҚТИДА ИЛГАШ УЧУН ИНСОН ҲАР ТОМОНЛАМА КАМОЛОТГА ЭРИШМОҒИ ЛОЗИМ. ШУ МАЪНОДА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ИПОТЕКАБАНК»ИДА МУНТАЗАМ ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВ ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ БАНК ХОДИМЛАРИНИНГ ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ, ИСЛОҲОТЛАР ИЖРОСИ ВА ЎЗ СОҲАСИНИНГ БИЛИМДОНИ БЎЛИШЛАРИДА ҲАР ТОМОНЛАМА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Тақдимот

МАЪНАВИЙ БАРАҚАМОДЛИК ЙЎЛИДА

Хусусан кунги кеча Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсади» номи китобининг тақдими ҳам айнан юқоридаги мақсадлар негизиде ташкил этилди.

Республика Маънавият-тарғибот маркази ва «Ипотекабанк» ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда банкнинг шажар ва туман филиаллари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган республика Маънавият тарғибот маркази раиси ўринбосари Султонмурод Олим давлатимиз раҳбари ушбу китобларининг мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ тушунча бераётган экан, мустақил юртимизда ҳар бир соҳадаги ислохотлар инсон омили, юрт тараққиётига қаратилган, бозор иқтисодиётининг талаб-истакларига асосида иқтисодиётимиз ривожланиш йўлида эканлиги, Президентимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир Фармон ва қарорлар ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадларга қаратилгани ҳақида тўхталиб ўтди. Хусусан, 1997 йилдан бери ҳар бир йилимизнинг номланишининг ўзида мана шундай эзгу мақсадлар мўжассам эканлиги, биринчи навбатда иқтисодий ҳимояга мўҳтож аҳоли қатламини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани, жорий йилимизнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши, бу йўлда давлат дастурининг қабул қилиниши ва унинг ижросига қатъий амал қилишга киришилгани эътиборга олишди.

Маълумки 2006 йилда республикамиз Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Албатта ушбу қарор ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч, осойишта ҳаётимизга ҳавф туғдириши мумкин бўлган тажовуларга қарши изчил кураш олиб бориш, ушбу соҳадаги ишларни қайта қўриб чиқиш каби бир қатор хайрли мақсадлар йўлида ҳаёт юзини кўрди. Унинг ижроси бўйича республика маънавият ва маърифат кенгашининг икки қаноти: Республика маънавият тарғибот маркази ва республика миллий ғоя ва мафкуравий илмий марказининг кенг фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

— Президентимизнинг ҳар бир Фармон ва Қарорлари, асарлари, юртимизда кечаётган ҳар бир ислохотлар бўйича маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиб келамиз, — дейди биз билан суҳбатда ушбу банкнинг маънавият ва маърифат масалалари бўйича бош мутахассиси Шоҳида опа Мавлянова. — Жойларда 38 та филиалимиз бор, биз имкон борича ҳар бир байрам, шонли саналарда, шунингдек, Президент асарларини ўрганиш, Фармон ва қарорлар, Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти, ҳақ-ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларимизни тўла тушуниб етиш бўйича танқили ҳуқуқшунос, соҳа мутахассислари билан учрашув, тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз. Мақсадимиз ҳар бир банк ходими, айниқса ўсиб келаётган ёшларимиз аҳолига ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатишлар.

Учрашувда қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Тадбирлар

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

ХАЛҚИМИЗ АЗАЛ-АЗАЛДАН САҲОВАТНИ, ХАЙРУ-БАРАКАНИ ЭЗГУЛИКНИНГ АВВАЛИ, ИНСОНИЙЛИКНИНГ ТАМАЛ ТОШИ ДЕБ БИЛГАН. БУГУН АНА ШУ ХАЛҚЧИЛ АНЪАНАНИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА БЕЛ БОЛГАН, МУРУВВАТГА ТАШНА КЎНГИЛЛАРГА МАЛҲАМ УЛАШИШ САОДАТ ЭКАНЛИгини ЧУҚУР АНГАЛГА ЮРТДОШЛАРИМИЗ ИСТАГАНДА ТУПИЛАДИ. АЙНИҚСА, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ БУ БОРАДАГИ ИШЛАР КЎЛАМИГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ КЎРСАТМОҚДА.

Шу маънода Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказида «Хаста дилларга малҳам—унда инсонийлик мўжассам» номи хайрли тадбирининг ўтказилиши ўзининг маънавий-маърифий жиҳати билан ажралиб туради.

Тадбирда туман «Умр» номи-

рон ва ўсимир болаларга ёрдам бериш жамоатчилик маркази, «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими Кенгаши, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

— Марказимизда 100 нафар-

ХАРИДОР КЎНГИЛГА ЙЎЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бозор чикарсуви шароитида ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини сотиш устида кўпроқ қайғурмоғи лозим. Харидор маҳсулотни эмас, аксинча, сифатли маҳсулот харидорни излаганидагина корхона иқтисодий жиҳатдан юксалиши мумкин. Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эътиҳини янада тўлароқ қонди-

риш, ишлаб чиқарувчилар билан савдо корхоналари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш мақсадида «Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка-савдо республика маркази» ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 декабрдаги «Халқ истеъмоли товарлари кўргазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш соҳасида «Ўзлуржисавдоинвест» уюшмаси фаолиятини фаоллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бундай савдо-дотимий ўтказилиши йўлга қўйилди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида йирлик миқдорда ун, шакар, ўсимлик ёғи, совун, гўшт, чой, маргарин, сариёғ, гуруч, крупа ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари харид қилиниб, истеъмолчиларга пеша-пеш етказиб берилди. Универсал ассортимент билан савдо қилувчи ноозиқ-овқат базаконтора ва ҳудудий улгуржи базалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан таш-

кавдолари маркази майдонлари жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзқурилиш-материаллари» компаниялари, «Ўзбекчармпойафзали», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтханоат», «Ем-мой ва озик-овқат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ҳамда Республика савдо-саноат палатаси

қил этдик. Мақсадимиз тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ва истеъмолчилар ўртасида ўзаро манфаатли мулоқот яратишдан иборат.

Қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзлуржисавдоинвест» уюшмаси қисқа вақт ичида Ўзбекистон бозориде етакчи улгуржи компаниялардан



тизимдаги юздан зиёд корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. Июль ойидан бошлаб марказда янги, иختисослаштирилган автосалон иш бошлайди. Унга ҳар ой тегишли тартибда олти миш дон «ЎзДЭУАвто» маҳсулотлари «Нексия», «Матиз», «Дамас» ва «Ласетти» сотувга қўйилади. Мижоз ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида марказнинг ўзида банк филиали ишга туширилди.

— Кўргазма-ярмарка савдоларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан таш-

кавдолари маркази майдонлари жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзқурилиш-материаллари» компаниялари, «Ўзбекчармпойафзали», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтханоат», «Ем-мой ва озик-овқат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ҳамда Республика савдо-саноат палатаси

кавдолари маркази майдонлари жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзқурилиш-материаллари» компаниялари, «Ўзбекчармпойафзали», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтханоат», «Ем-мой ва озик-овқат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ҳамда Республика савдо-саноат палатаси

кавдолари маркази майдонлари жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзқурилиш-материаллари» компаниялари, «Ўзбекчармпойафзали», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтханоат», «Ем-мой ва озик-овқат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ҳамда Республика савдо-саноат палатаси



қарийб ўн миллиард сўмлик маҳсулот харид қилинди. Юртимизнинг чекка, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларида жойлашган чакана доир хоналарига ўн олти миллиард сўмлик товар етказиб берилди.

«Ўзқўргазмасавдо» ярмарка

— Кўргазма-ярмарка савдоларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан таш-

кавдолари маркази майдонлари жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзқурилиш-материаллари» компаниялари, «Ўзбекчармпойафзали», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтханоат», «Ем-мой ва озик-овқат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ҳамда Республика савдо-саноат палатаси

кавдолари маркази майдонлари жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзқурилиш-материаллари» компаниялари, «Ўзбекчармпойафзали», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтханоат», «Ем-мой ва озик-овқат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ҳамда Республика савдо-саноат палатаси

кавдолари маркази майдонлари жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзқурилиш-материаллари» компаниялари, «Ўзбекчармпойафзали», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтханоат», «Ем-мой ва озик-овқат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ҳамда Республика савдо-саноат палатаси

кавдолари маркази майдонлари жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзқурилиш-материаллари» компаниялари, «Ўзбекчармпойафзали», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтханоат», «Ем-мой ва озик-овқат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари ҳамда Республика савдо-саноат палатаси

Норали ОЧИЛОВ,
ЎЗА муҳбири
Аъло Абдуллаев
олган суратлар

ларидир. Бугун уларни мута-сатти ташкилот вакиллари, ҳомийлар кўмагида моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантиряймиз. Энг муҳими, кемтик кўнгилларга озгина бўлса-де йўл топа олсак, биз ўзимизни педагог-мураббий сифатида бахтли хис этган бўлардик.

Кечада сўз олган «Камолот» ЕИХ Юнусобод туман бўлими Кенгаши раиси Маҳмуджон Асомов, туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли маданият уйи директори Фахриддин Ҳақимов, «Бободехон» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари мамлакатимиз-де олиб борилаётган ижтимоий-маиший соҳадаги ислохотлар, ўзгаришлар замирида фу-

қарийб ўн миллиард сўмлик маҳсулот харид қилинди. Юртимизнинг чекка, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларида жойлашган чакана доир хоналарига ўн олти миллиард сўмлик товар етказиб берилди.

қарорлар фаровонлигини таъминлаш, ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсадлар етганлигига алоҳида ургу бердилар.

Шундан сўнг кечанин бадиий қисми бошланди. Ўзбекиона дастурхон атрофида тўпланган болажонлар эртак қахрамонлари билан учрашдилар. Айниқса, она-Ватан, серқўш ўлка-миздаги ёз таровати, гулгун ёшлиқнинг серфайи, бахтли онларини ўзида ифода етувчи дилрабо куй-қўшиқлар даврга янада фойз, шухуқ олиб кирди.

Тадбир сўнгиде ҳомий ташкилотларнинг совғалари тўхфа этилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ КЎМИТАСИДА «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур кўмита раиси Х.Дўстмухамедов бошқарган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, республика, вилоят, туман ва шаҳарлар оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 23 январда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорига мувофиқ мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламли янада кенгайтириш ва қўлайтириш, унинг муҳтож тоифаларига, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи изчиллик билан амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Юртимизда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар тарғиботида оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутиши қайд этилди. Оммавий ахборот воситалари Ижтимоий ҳимоя йилининг мақсад ва вазифалари ҳамда аҳамиятини аҳолига кенг тушунтириш, давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг жойлардаги изчил ижросини ёритишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунги арафасида ўтган ушбу тадбирда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросига оид ишлар кўламини янада кенгайтириш ва ушбу мавзуда тайёрланган материалларнинг сифат ва савиясини янада юксалтириш борасида фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Иқтисодиёт

ТУРЛАРИ КЎПЛАЙМОҚДА

СУТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН ФОЙДАЛИ БЎЛИБ, ШУ БОИС ҲАМ УЛАРГА АҲОЛИ ТАЛАБИ КАТТА. КАТТАЮ КИЧИК БУНДАЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕБИБ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАДИ.

«Bo'stonliq Sut» масъулияти чекланган жамиятида ҳам 47 нафар ишчи-хизматчининг меҳнати билан сут қайта ишланиб, айна пайтда Россия дастгоҳлари асосида 20 хил маҳсулот тайёрланмоқда. Турли хил ҳажмда бежирим ва сифатли қадоқланаётган сут, қатик, қаймоқ, сузма, сметана сингари маҳсулотлар аҳоли дастурхонига тортиқ этилмоқда.

—Маҳсулот тайёрлашда керак бўладиган сутни фермер хўжалиқларидан оламиз, — дейди корхона директори Мирфайез Мирсоатов. — Уларни қайта ишлашда эса замонавий технологиялардан унумли фойдаланамиз. Маҳсулотларимизнинг харидоригир турларини янада кўпайтириш мақсадида янги усуналар ўрнатишни режалаштириб-миз.

«ШИРИН ҚУЛЧА» МАҲСУЛОТЛАРИ

НОН ДАСТУРХОНИМИЗНИНГ ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТЛАРИДАН САНАЛАДИ. АЙНИҚСА, БОЙИТИЛГАН УНДАН ТАЙЁРЛАНГАН НОН ВА НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИНСОН САЛОМАТЛИгини МУСТАҲКАМЛАШДА ФОЙДАЛИДИР.


Ана шунинг эътиборига олган «Ширин қулча» масъулияти чекланган жамияти новвойлари аҳоли дастурхонини витаминларга бой, соғлиққа фойдали маҳсулотлар билан таъминлашга интилишмоқда. Бугунги кунга келиб 50 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган ушбу корхонада нон ва турли булочка маҳсулотларининг 20 га яқин хили тайёрланмоқда. Эрта тонгдан хонадонларга бўрсилдоқ ва мазали нонларни тортиқ этишга одатланган жамоа аҳли сифатга алоҳида эътибор қаратади.

—Шаҳримиз аҳолисига маҳаллий хом ашёдан нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш учун тажрибали ва уста новвойларимиз цехларимизга ўрнатилган Россия ва Германиянинг замонавий дастгоҳларидан фойдаланишди, — дейди корхона технологи Ҳафиза Азимова. — Ҳамшаҳарларимиз саломатлигини ўйлаган ҳолда нонларимиз турларини ошириб бораёямиз. Ўтган йилда ишлаб чиқарилишга жорий этилган зирали жавдарли нон истеъмолчиларга манзур бўлди. Унинг қандли диабет билан касалланган беморларга фойдаси катта. Шунингдек, парhezли кепакли булка маҳсулотимизни ҳам аҳоли дастурхонига тортиқ этдик.

Корхона тадбиркорлари жорий йилда ҳам бир неча турдаги витаминларга бой нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, булочкаларнинг турларини кўпайтиришни режалаштиришган. Энг асосийси эса маҳсулот сифатига қаратилган эътибор бўлиб, истеъмолчилар бундан мамнун бўлишмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Бугун сиз билан «Хатлар—ҳаёт ойнаси» саҳифаси орқали яна дийдор қўришиб турибмиз. Шуниси эътиборлики, саҳифамиз материаллари сиз азиз газетхонлардан келган мактублар асосида тайёрланди. Ушбу дилномаларида шахсий ҳаётда юз берган турли воқеалар, ҳодисалар, ҳар бир жабҳада, тармоқда бўлаётган ислохотларга, янгиланишларга муносабат, мулоҳаза, тақлифлар акс этган. Қувонишимизнинг боиси, тахририятимизга келаётган мактубларда, телефон кўнғироқларида, юзма-юз мулоқотларда юқорида таъкидлаганимиз фикрлар хилма-хиллиги сезилади. Демак, «Тошкент оқшоми» газетаси «Хатлар ҳаёт ойнаси» саҳифасини ташкил этиб оқилона йўл тутган. Сиз азизлардан илтимосимиз шуки, биз билан мудом мулоқотда бўлинг. «Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқшоми» газетаси тахририятига хат йўлланг, 133-08-74 телефонига сим қоқинг.



Баҳорнинг ёмғирли кунлари ўтиб, кўёш нури ер юзини қиздира бошлади. Ҳа, азизлар, жазирама ёз фасли ҳам кириб келди. Айни шу кунларда шахримизнинг барча маданият ва истироҳат боғлари ҳамшаҳарларимиз билан гавжум. Эътиборлиси, бу дам олиш, хордик чиқариш масканларига ташриф буюрган ёшлар вақтларини беҳуда ўтказмайдилар, кўпроқ турли хил кўнғилолчар тадбирлар уюштирадидар, спорт мусобақаларида ўзаро беллашадидар. «Соғ танда — соғлом ақл» деб бежизга айтишмайдику.

Бахтиёр Содиков олган суратлар.



Эътироф

Аҳиллик — мустаҳкам қўрғон

Шундай миллий одатларимиз борки, масалан, ўзидан каттага салом бериш ёки йўл бўшатиш, йиғинларда адаб сақлаш, қариялар гапини икки қилмаслик, ўзаро меҳр-оқибат ҳамда меҳмон кутиш ва ҳақозолар жаҳонга кўз-кўз қилгулик.

Халқимизнинг муруватлиги, тантилиги, бир майзини бўлишиб баҳам қилиши сингари фақат ўзбекларгагина хос бўлган ўрни боқий аъёналар ҳар биримизда фаҳр, ифтихор туйғуларини уйғотади «Мен бугун жамият ривожига қандай ҳисса қўшдим, маҳалла-қўй ёки қўни-қўшимга нима яхшилик қилдим», деб яшаётган, изланаётган юртдошларимиз кўп. Бизнинг юртимизда ана шундай эзгу ният билан меҳнат қилаётганлар ҳаммаша қадр топиб келишган ва айни пайтда ҳам қадрланаётдилар.

Тинчлик, хотиржамлик ва аҳиллик ҳуқи сурган жойни мустаҳкам қўрғонга менгаш мумкин. Ана шу қўрғонни янада обод, қўрқам қилиш, иқтисодийтини тараққий этган давлатлар даражасига қўтариш учун бел боғлаган ўн минглаб ҳамшаҳарларимиз шижоатига таҳсин айтишга бурчимиз.

Аҳилликнинг амалдаги инъикоси сифатида ҳукуматимизнинг ҳаётий муҳим қарорлари ижроси ўлароқ қисқа вақт ичида қад ростлаган юзлаб маданий-маиший, маъмурий ва маърифий иншоот, биноларни мисолга келтириш мумкин. Улар шарқона меъморчилик аъёналарига амал қилинган ҳолда барпо этилгани билан аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоизки, собиқ шўролар даврида фақат ордзулгича қолган улкан қурилиш, ободончилик ва кўқаламзорлаштириш ишларининг муайян қисми умумхалқ ҳашари орқали амалга оширилди. Мен жонаҳон пойтахтимизни сезиб чарчаш ўрнига қўқ-қувват оламан, гурурланаман. Утган йил юрган кўчаларимни танимай қоламан. Чунки замонавий қуришни қойиллатиб ўзлаштириб олган бунёдкорларимиз кўз очиб юлғунча ҳатто хоржилик мутахассислар ҳавас этгулик, ибрат олгулик иншоотларни тикламоқдалар. Юртбошимизнинг шахсий ташаббуси билан азим шахримизнинг Эски шаҳар қисми қайта реконструкция қилинмоқда.

Янги йўллар, кўприклар, ер ости йўллари нафақат пивдалар, балки автомобиль транспорти эмин-эркин қатнови учун имконият яратди. «Ёшлик» шаҳарчасида қуриб битказилган ва қайта тавмирланган ётоқхоналар, кутубхона, спорт мажмуалари, ошхона ва бошқа маданий-маиший биноларда талабалар, ўқувчилар учун энг асосий шарт-шароитлар яратиб берилгани ўқув, таълим-тарбия ишларини янада тақомиллаштиришга омил бўлмоқда.

Ҳаёт қисқа муддатларда қад ростлаган коллежлар, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари энг тараққий этган мамлакатлар ўқув муассасаларига қиёс қилгулик. Ушбу масканларда таҳсил олаётган ўғил-қизларнинг спорт билан хиддий шугулланишлари учун ҳамхўрлик қилинаётгани боис ёшларимиз жаҳон миқёсидаги турнирларда муваффақият қозонмоқдалар.

Пойтахтимизнинг экологик ҳолати ҳам яхшиланиб борапти. Айниқса, маиший чиқиндиларни марказлашган ҳолатда ташиб кетиш тажрибаси ўзини оқлатди. Бунда биринчидан, фуқаролар маҳсул жойларига ахлат тўқадилар, иккинчидан турли юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинади. Шаҳар кўчалари икки томонига экилган анвойи гуллардан қўзғиниз қувонади. Минглаб фавворалардан таралаётган оби-ҳаёт зарралари салқинлик бағишлаб, дилингизни хушлади. Зарқайнар кўчасидаги Хастимом мажмуасида барпо этилган миноралар, диний идоралар, гузал хибонлар нафақат пойтахтликлар, балки чет эллик сайёҳларнинг хайратига ва эътирофига сазовор бўлаётди. Бу Тошкент 2007 йилдан Халқаро ислом маданияти маркази деган номни шараф билан оқлаётганини исботловчи ёрқин далил бўла олади. Буларнинг ҳаммаси осмонимиз мусофоллиги, юртимиз тинчлиги, одамларимизнинг хайрихоҳлиги ва аҳиллиги туйғули эмасми?!

Абдуназар МАТНАЗАРОВ

Газетхон миннатдорчилик билдиради

Ҳурматли тахририят аъзолари! Ушбу миннатдорлик туйғуларига тўла мактубимизни «Тошкент оқшоми» газетаси тахририятида чоп этилишини жуда истаймиз. Сабаби, саховатпеша, меҳридарё инсонлар саховати туйғули кўнғил меҳрга ташна ногироннинг қалби тоғдек кўтарилиди. Гап шундаки, кўни кеча «Халқлар дўстлиги» концерт саройида Қозғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Адхамбек Йўлдошевнинг концерт дастури ҳамшаҳарларимизга ҳавола этилди. Эътиборлиси, концерт ташкилотчиси «Замин» студияси ҳамда хонанда Адхамбек Йўлдошев саховатлари туйғули Собир Раҳимов туманида истиқомат қилаётган 200 нафар ногиронларга концерт чипталари бепул тарқатилди. Шу ўринда ногиронларнинг кўнғилни кўтариш савобларининг савоби эканлигини таъкидлашимиз келди. Томоша давомида Адхамбекнинг ногиронлар аравачасида ўтирган қизга кимматбахо

нинг концерт дастури ҳамшаҳарларимизга ҳавола этилди. Эътиборлиси, концерт ташкилотчиси «Замин» студияси ҳамда хонанда Адхамбек Йўлдошев саховатлари туйғули Собир Раҳимов туманида истиқомат қилаётган 200 нафар ногиронларга концерт чипталари бепул тарқатилди. Шу ўринда ногиронларнинг кўнғилни кўтариш савобларининг савоби эканлигини таъкидлашимиз келди. Томоша давомида Адхамбекнинг ногиронлар аравачасида ўтирган қизга кимматбахо

совгалар берганлиги, ўзига аталган гулларни кекса онахонларга улашганлиги барчанинг кўнғилни хушуд этди. Ҳа, азизлар, Адхамбек саховатпешалиги билан меҳримизни қозонди. Тилагимиз шундай саховатпеша инсонларнинг сафи кенгайверсин.

Юлдуз МИРЗАКАРИМОВА,
Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти Собир Раҳимов туман бўлими раиси

... тақлиф қилади

Йўловчига қўлай бўлсин десангиз

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИГА БОРМОҚНИ ИСТАБ ЮНУСОБОДНИНГ «УНИВЕРСАМ» БЕКАТИДАН 51- АВТОБУСГА ЧИҚДИМ.

Очиги, янги «Мерседес-Бенц» русумли автобусда манзилга етиб олиш нақадар мароқли. Чунки автобус салони кенг, барча қўлайлик-

лар яратилган, ўриндиклар янги. Аммо... Хаммага гап ана шу «аммода». Автобусда кетяпмиз. Мендан икки ўриндик нарида 65-70 ёшларни қоралаган отахон ёнидаги ҳамроҳи билан суҳбатлашиб ўтирибди. Автобус ҳайдовчиси эса ҳар замонда «Йўл ҳақини ўз вақтда тўланглар» деб микрофонда айтиб қўяди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги рўпарасидаги бекатга етганимизда мароқли. Чунки автобус салони кенг, барча қўлайлик-

лар баҳраманд. Юқорида эслаганимиз ҳар бир автобусга микрофон ўрнатилган. Тақлифим шундан иборатки, автобуслар ҳайдовчилари ана шу микрофондан унумли фойдаланишса ҳам ўзларига, ҳам йўловчиларга қўлайлик яратилар эди. Яъни ҳар бир бекатга етишдан олдин ҳайдовчи микрофон орқали бекат номини эълон қилса автобусдаги ёрдамга муҳтож йўловчилар, кексалар, қўзи охишлар йўлдан адашишмасди.

Бу ҳақда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси мутасаддилари қолаверса, автобус ҳайдовчиларининг ўзлари бир тўхтама қелишар деб умид қиламиз.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ,
Юнусобод тумани

«ОТАНГ БОЗОР, ОНАНГ БОЗОР» ДЕЙИШЛАРИ БЕЖИЗ ЭМАС. ЎЗИНГИЗ АЙТИНГ, БИР ҲАФТАДА БИР МАРТА БОЗОРГА БОРИБ РЎЗГОР ҚИЛМАГАН ОИЛА БОРМИКАН? АГАР УЙИНГИЗГА БОЗОР ЯҚИН БЎЛСА-ЧИ? УНДА ҲАР КУНИ ЭРМАК УЧУН ҲАМ ХАЛТА КЎТАРИБ ҚОЛИШИНГИЗ АНИҚ— ЯНГИСИДАН, САРХИЛИДАН ТАЛАШИБ-ТОРТИШИБ ХАРИД ҚИЛГАНГА НИМА ЕТСИН, АХИР.

Мулоҳаза

АРЗОНДА ИЛЛАТ КЎПМИШ

«Чорсу» бозорининг сал ичкарироғига қирамиз. Ҳар қим ўз молини макташдан тортинмайди: —Беҳбўғочининг туммасига кел қўлинг,—дейди овози дўриллаган ўспирин, қўлингиз қуймас, пул олмаيمان. Репламага учиб, татиб қўришга иккита пераша олдим. Маза-матра йўқ. Икки тўшлам едим-у, сотувчига юзландим: —Бу ёғи нима бўлади? —Э-эй, ҳазилниям тушунмайсизми, акажон?! Сал юрсангиз қўлбола таомларнинг ошуфта хиди димоғингизни тешиб юборай дейди. Юқорида гўшт маҳсулотлари дўқони. Икки қўли кўксига, оғзидан бол томади: —Халолларнинг ҳалолли, янги, ҳозир олиб келинган, сифатига гап йўқ. Нарироққа бориб, целлофан халтани очиб қарасам, қолбаса могорлай бошлаб, баъзи жойлари кўкариқирабди. Зумда ортага қайтиб, олганимни растага қўйдим. Сотувчи минг бора уэр сўраб, пулимни қайтариб берар экан, бу ҳақда оғзимдан гуллаб қўймаслигимни қайта-қайта илтимос қилди. Йўлда кўринишидан юз қадам наридаги чақанинг неча тийинлигини бехато айтиб берадиган соқол қўйган гўшт сотувчи йигит бидирлашини қўймайди. —Келинг, акажон. Сизга 4 мингдан бераман, ҳурматиз бор. Узиям гўшт эмас шоколад! —3600 дан бўлмайди! —Кимматда ҳикмат, арзонда иллат кўп, дейишган машойиҳлар. Айтган нархингизга така гўштиниям олмамайсиз... «Арзонда иллат кўп» дегани менга жуда таъсир қилди. Бозорда тўри гапирадиган ҳам бор экан-у, деб ўйлаб, ёймачилардан 300-400 сўм эмас, 1000 сўмга пайпоқ сотиб олдим. Юз фоиз пахта, деб қасам ичиб тургандан кейин ишонмай кўр-чи. «Кимматдаги ҳикмат» бир ҳафтадаёқ ошкор бўлди-қўйди: ранги ювилиб ўзгарди, товон томони тешилди. Бундай мисолларни кўп ва хўб келтириш мумкин. Лекин мақсад — уларни санашдан иборат бўлмай, балки «тадбиркорлар»ни инсофга чақириш, виждонан савдо қилиб, мижозлар кўнғилни олиш ва фақат шу йўл билангина даромадларини ошириб боришга даъват этишдир.

Абдурауф ТОЖИБЕВ

Хатжилдларни қайчилаганда ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИНГИЗНИ ОШИРИНГ

КАМИНА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСНИ МУНТАЗАМ ЎҚИБ БОРАМАН. МЕНГА ГАЗЕТАДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАН ТУРЛИ СОҲАГА ОИД ХАБАРЛАР, МАҚОЛАЛАР, ЛАВҲАЛАР, АЙНИҚСА, «ИНСОН ВА ҚОНУН», «ХАТЛАР—ҲАЁТ ОЙНАСИ» САҲИФАЛАРИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР ЖУДА ЁҚАДИ. ЎЗИМ ҲУҚУҚШУНОС ЭКАНЛИГИМ, ЯЪНИ ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 6-СОНЛИ ДАВЛАТ НОТАРИАЛ ИДОРАСИДА НОТАРИУС БЎЛИБ ИШЛАётганлигим САБАБЛИ, ҲАМОН ОРАМИЗДА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИ ВА САВИЯСИ АНЧАЙИН ПАСТ ФУҚАРОЛАРНИ КЎРИБ АЧИНИБ КЕТАМАН.

Айниқса, «Хатлар—ҳаёт ойнаси» саҳифасидаги материаллар орасида ҳуқуқий билими саёзлиги сабаб турли хил воқеаларни бошидан кечирган, сарсон-саргардон кезиб юрганлар тақдиринан хижоқ қилувчи мактубларни ўқиганда «Азиз одамлар, ҳуқуқингизни билдинг, шунда ҳар қандай муаммони ҳал қила оласиз-дегим келади. Шунга ҳам айтишим жоизки, нотариал идора турли хил саволлар билан мурожаат этаётган, муаммолар гирдобиде қолган кишиларга имкон қадар ёрдам кўрсатамиз. Аммо, шу ёрдам кўрсатишга бизга мурожаат қилган инсоннинг азият чекаётганини, ҳам вақти, ҳам маблағи кетаётганини кўриб олинмайсиз. Оддий мисол. Бир ховлида бешта ака-укалар истикомат қилишади. Уй ота-она номида, бирок ота ҳам, она ҳам вафот этиб кетган. Қизиги, ҳуқуқий билимдан хабари бўлмаган ота-оналар ҳаётлик вақтларида фарзандларига ховли-жойни қонуний йўл билан ажратиб беришмаган, яъни кимгадир васият қилишмаган. Ажабланирлиси, кенжа ўғилга ёзма равишда «уй сеники» деган мазмунда хат қолдиришган. Лекин қонун

бўйича ҳуқуқларис битилган ушбу хат ҳақиқий ҳисобланмайди. Чунки у нотариус тасдиқидан ўтмаган. Ҳўш, бундай вазиятда оилда қандай ҳолат юз беради. Албатта уй-жой таллашиб ака-укалар ёқалашади, жанжаллашади, судма-суд юриди. Демак, нима қилиш керак? Ота-она ҳаётлик чоғидаёқ қайси фарзандига 3-хавли-жойини мерос қилиб қолдирмоқчи бўлса, ўша фарзанд номига нотариус орқали васиятнама қолдириши шарт. Яна бир мисол. Ота-она вафотидан кейин отанинг номида бўлган автомобиль икки ўғилнинг ўртасида жанжал чиқишига сабаб бўлади. Нега деганда, отадан қолган машина ҳамон марҳумнинг номида. Ҳуллас гапирман, деса гап кўп. Сизлардан илтимос азизлар, ўз ҳуқуқингизни билинг. Ўзбекистон Республикаси Қонунларини батафсил ўрганинг, ҳукумат қарорларидан бохабар бўлинг. Ана шунда ҳар қандай муаммони осонлик билан ҳал қила оласиз, ҳаёт сўқмоқларида қоқилмайсиз.

Иқром ИСМОИЛОВ,
Юнусобод туманидаги 6-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси.

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ҲАЛОПЛИК

Бир дам олиш кўни аёлим билан шаҳардаги кийим-кечакларни саралашга тушди. Қилки кийимларни ҳозирлаб ёз мавсумида қийладиғанларни шаҳанинг бир четиға жойладик. Улар орасидан анча-мунча эскирган кийим-кечаклар ҳам чиқди.

— Буларни нима қиламиз? — сўради аёлим, бироз яроқсиз деб билган бир тўп кийим-кечакларга қараб.

— Нима қилардик, йўқотамиз. Балки ахлат машинаси келса бериб юборармиз.

— Вой, бинийдек кийимларни ахлатга ташлаш увол. Биронта бева-бечораларга берсақ ўзига яратар, шундай аёлим уларни катта бир тугунга тутга бошлади. — Манави костюмингизни қийса бўладику, шунисини олиб қолайлик.

— Аллакочон қичкина бўлиб қолган. Барибир қиймайман. Шундай бўлган, шаҳанинг бир четини хира қилиб ётгандан кўра бировга берсақ савоби тегар.

Эртасига эшигимизга келган тиламчига аёлим бир қоп қилиб уларни бериб юборибди.

Катта қизимизнинг туғилган кўни яқин эди. Шунга нима совға оламиз деса аёлим қулиб:

— Ташвиш тортмай қўя қўлинг. Совгани олдиндан тайёрлаб қўйганман. Ҳозир олиб чиқиб кўрсатаман, — дея ётоқхонага кириб кетди. Кўп ўтмай ранги оқариб, бўзариб чиқди.

— Нима гап, тинчликми? — сўради.

— Вой отаси, өсим курсин. Қизимизга олган тилла зирагимни рўмончага тутиб сизнинг эски костюмингизнинг чўнтағига солиб қўйган эдим. Уни эски-тускиларга қўшиб тиламчига бериб юборибман.

Кўнғилсизлик бошланди. «Эсинг йўқ», дедим, «Тўппа-тузуқ костюмини қиймайман дедиз», — деди у мени айбдорга қичариб. Шу кеча аёлим эрта тонгача ухламай чиқди.

— Булар иш бўлди, энди қуонганинг билан фойдаси йўқ. Бош-қўзимиздан садақ. Қўявер, совғага бошқа бирор нарса олармиз, — тасалли бердим унга.

Шу аснода орадан икки кун ўтди. Кечки пайт ишдан уйга қайтсам, аёлимнинг чеҳраси очик. Сўрасам у:

— Вой отаси, барибир ҳали ҳам инсофли одамлар кўп. — дея гап бошлади. Унинг айтишича, тушки пайт бироз эшикни тақиллатибди. Ким экан деб эшикни очса йўлдақа ўша таниш тиламчи турган эмиш. Устига биз яроқсизга қичарган костюмни қийиб олган экан. Аёлим нима дейишини билмай, бир зум унга тикқилиб қолди.

Опажон, — деди у, — менга эҳсон қилиб берилган кийим-кечаклар, устидаги костюм учун раҳмат. Унинг чўнтағидан мана бу зирак чиқди. Эгасига — сизга қайтаргани олиб келдик.

— Қаранг отаси, бировнинг ҳақидан қўрқадиган қандай ҳалол одамлар бор-а. Бир девона кишики, шунчалик қилиб тургандан кейин бошқалардан бунақа яхшиликларни қўлаб қулса бўлади, — деди аёлим ўзида йўқ қувониб.

Эртасига қизимизнинг туғилган кўни бўлди. Табриқладик. Ҳам аталган, пешона тери эвазига келган совгани эгасига топширдик.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Ўша кўни хизмат сафаридан қайтардим. Андижон—Тошкент поезидида купелеш ўрта ёшли бир киши билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. У тез-тез йўталар, бу қилмишдан хижолат тортиб, мен томон қараб қўярди. Охири бўлмади шекилли.

—Шунақа касалим бор, айбга буюрмайсиз энди,—дея уэр сўрагандек бўлди.

—Шифокорларга кўринмадингизми?—сўрадим мен.

—Кўринганман, дори-дармон ичман, уч-тўрт кун шифо топгандек бўлман, кейин яна қайталайди.

—Қаерда ишлайсиз?

—Чирчиқдаги қорхоналарнинг бирида.

—Ўша ерда турасизми?

—Йўқ, Андижонликман.

—Андижонда турсангиз қандай қилиб у ерга бориб қолгансиз?—қизқиниб сўрайман мен.

—Бунинг тарихи узун биродар. Ҳали бир гап борку —айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим» деган. Шунга ўхшаб айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмайман.

—Йўл узок, эриқчи қолмаслик учун суҳбатлашиб кетамизда, агар сир бўлмаса айтинг. Дардлашсақ дил ёзилди.

—Яширадиган жойи йўқ. Қолаверса, бу сирни аллакочон ўзимиз ошқорга қилиб бўлганмиш. Ушанда мен Андижон билан чегарадош Қирғизистоннинг Ўш шаҳридаги йирик автобазалардан бирида ишлардим. Раҳбаримиз 4 хайдовчини ҳузурига чакириб Андижон вилоятининг Ҳўжаобод туманидаги ҳўжалардан бирида Маданият саройи қурилатганлигини айтиб, шу қурилишга биз ўшдаги гишт заводларининг бириддан гишт етказиб беришимизни, қурилиш тугагунча шу объектда ишлашимизни айтди.

Эртасидан бошлаб биз 4 хайдовчи ўзимизнинг «Қамаз»-ларимизда топириқчи баҳарлишга киришдик. Орадан уч, тўрт ой ўтиб хизмат сафаримиз тугади. Шу кўни ҳўжалик раниси қурилиш тугаши шарафига қўрувчиларга катта зиёфат берди. Табиийки, унда биз ҳам қатнашдик. Едик, ичдик, ўйнадик, қулдик. Тўн алламаҳал бўлганда, йўлга чиқаганим бўлдик. Раис «бир кеча минг кеча бўлмайди, қолаверинлар, бунинг устига ичгансизлар, маст ҳолда, ярим тунда машинани қандай ҳайдаб кетасизлар», деб бизни қолишга ундади.

Биз кўнмадик. Эрталабгача бўлсада машинани автобазига олиб бориб қўймасақ бўлмаслигини айтдик. У араи кўнди. Тўрт хайдовчи олдинма кейин йўлга чиқдик. Биласизки, Андижон—Ўш йўли анча-мунча паст текисликлардан иборат. Ўш ҳудудига ўтганимиздан кейин ана шундай паст текисликларда ўзимиз билмаган ҳолда жоғра рўй берди. Биз боқариб бораётган машиналардан бири тўн қоронсузда қия йўлда мотоциклда бораётган икки кишини уриб, қўрмай босиб ўтади. У билан изма из бораётган биз ҳам қўриб қўрмай жабрдийдаларни кетма-кет босиб ўтаверибмиз. Қилишимизни кейин англасақда, энди бўлар иш бўлди, деб индамай кетавердик. Манзилга етган, машиналаримизни қовиб тозалаб гаражга кириштиб қўйдик. Бўлган иш ҳақида ҳеч қимга ониз очмасликка қелишиб ўйимизга тарқалдик. Бу арада текшир-текшир бошланди. Қўлогимиз динг, хайрият бу шов-шувлар шамоли бизни четлаб ўтди. Анчагача юрагимиз така-пука бўлиб юрди. Ярим йўл ўтиб, излар босилган, кўнғилмиш жойига тушди. Шунда ҳамроҳларимиздан бири «бу фожадан эсон-омон кутганимиз шарафига бир зиёфат уюштирмасак бўлмайди» деди. Шундай қилдик. Ойлик машо олган қўнимиз тўрттовлон ишдан кейин биргаллашиб ресторанди қирдик. «От-от» бошланди. Ана қизишиб қолибмиш шекилли, сўбатимиз мавзуси ўша фожга томон бурилиб кетганини билмай қоллибмиш. Биринчи машина қандай қилиб мотоциклни уриб қорганни, биз унинг изидан бориб жабрдийдаларни бирича-бири босиб ўтганимизни това валдирабмиш. Тасодифни қарангки, шу жиний иш юзасидан қидирув олиб бораётганлардан бири ёғинамиздаги столда оватланиб ўтирган экан. У тилимиздан илинганимизни сезиб, барча ишлардан хабардор бўлган, ўрнидан туриб бизга яқинлашади.

—Ийитлар, кечирасизлар, секин туриб мен билан бирга юринглар,—деса дастлаб хайрон бўлиб қолдик.

—Нима гап, тинчликми?—десақ у;

—Уша ерда гаплашамиз, деди.

Қаршилик қилишнинг иложи йўқ. Бир зумда ювшоб тортиб, унга эргашдик. Дастлабки терговдаёқ айбимизни бўйнимизга олдик. Бошқа иложимиз ҳам йўқ эди. Сабаби, бор гапни ўзимиз ошқор қилиб бўлган эдик.

Суд ҳаммамизни турли йилларга ҳўкм этди. Тақдир тақозоси билан мен Чирчиққа келиб тушдим. Уч йил ўтиб шартли равишда озодликка чиқдим. Ҳўқминг қолган қисмини Чирчиқдаги заводлардан бирида ўтказадиган бўлдим. Энди қўли кетиб, ози қолди, отахон. Яна ярим йилдан сўнг, тўла озодликка чиқаман. Яъни ишлаганим учун раҳбарлар ора-чора маълум муддатга ўйга бориб қелишимизга рўхсат беришади. Бундан икки кун илгари уйга келганим, бола-чақани қўриб қайтаганим. Шунча отахон, донолар «Қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» деб бежиз айтмишган экан.

Биз ҳам қинғир иш қилиб ўзини доно билиб юрган баъзи кимсаларга бу воқеа ибрат бўлар деган мақсадда уни тўлалигича қозоғга туширдик. Ҳар қалай, шундайлар ҳар қандай қинғир иш йиллар ўтсада, ахир бир кун ошқор бўлишини унутмаганлари яъни.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИҚМАТЛАР

...ёмон улфат илондин ҳам ёмон.

Гар хатолик этса дўст, не бўлгуси? Шафқат айлаб, дўст уни кечиргуси.

Куршаса ваҳто хаёлот дам-бадам, Кўзгатур ҳатто банд тўғларни ҳам.

Ойна сувратсиз эрса, не етар, Хар не суврат эрса, унда акс этар.

Лайлига ишқи сафоси бас эди, Наздида шу мулки олам хас эди.

Ақлу идрок шарбати ҳайвонга зид, Яхшиларнинг яхисиси ёмонга зид.

Икки дунё не эмиш ишқ олдида.

Банда озодлик тайлайдир, марҳамат, Ошиқ эрса банда бўлмай тобад.

Ҳеч қачон битгайму ишқнинг эртаги, Ишқ—денгиздирки, тубсиздир таги.

Ишқ денгизни қозондек қайнатур, Кум қилиб сочгай баланд тоғларни ул.

Ишқ фалакнинг кўксини тилгай магар, Ишқ ўшал солгай заминга ларзалар.

Фуссага хору тикан ташбиҳ магар, Фам тиканмас. Бу сенга танбиҳ магар.

Тош юрак деб гоҳи бергайлар сифат, Тош юрак бўлмас, мисолдир ул фақат.

Бўлса эрди менда зарра хирси нон, Тиг чекиб, қорним ёрардим бегумон.

Ишқ кўзи бирлан боқиб, ошиқни кўр.

Сидқи ошиқ тошга ҳам этгай асар.

Гар кўрарсен сувда хурмо аксини, Сувдамас, соҳилда кўргил аслини.

Гар ариқдин хору хасликлар кетар, Сен амин бўлгилки, юзлар акс этар.

Нафси голиб келди, сабри нотавон, Неча бир бошларни узди ишқи нон.

Хасталиқдин очлик афзалдир, ўшал Етказур сенга неча лутфу самар.

Ранжи поклайдир, тамизлайдир фақат, Хуллас, очлик ичра юз бир манфаат.

Коса узра коса, ош узра таом, Тўймагурларнинг насибидир мудом.

Юрсалар, нон йўлда пешров бўлгуси, Ўлсалар, ўлдиргуси нон кайгуси.

Етса сабринг, ризқ ўзи келгай эди, Ёр каби бошингдин эврилгай эди.

Келса гар бошингга очлик, титрама, Сен таваккулни таомдин кам дема.

Дилмидир ул, бўлмаса нур дил аро, Рухдин айру тани тупроқ бил, каро.

Ҳайрат истарсен, бориб денгизни кўр, Урки голиб, жазб этар, жозиб эрур.

Ҳосил ўлгайдир кўришдин ихтиёр, Пуфлашинг ўтдин чикаргандек шарор.

Яхши таклифлар юракка хуш ёқар.

Ўз-ўзингни англашинг туйғу эрур.

Ҳаммадан лекин билмасизлик ёмон.

Нега ургаёсен гўдакни, эй фалон? Катталарга қўл кўтармоғинг гумон.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЁШЛАРИНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИДАН УНУМЛИ Фойдаланиш, хусусан, ўқувчиларнинг таътил кунларини мароқли ўтказишлариغا кўмаклашиш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда «КАМОЛОТ» ЁИХ ТОМОНИДАН «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН» ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА БИР ҚАТОР ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИБ КЕЛИНАДИ.

Тадбирлар

«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!»

Айни кунларда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси бўйича кизгин ишлар олиб боришмоқда. Лойиҳа доирасида туман маҳаллалари, ёзги оромгоҳларда бўлиб ўтган тадбирларни қўзғатар эканмиш, юқоридаги фикрлар бежизга келтирилмаганига гувоҳ бўламиз. — «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси бўйича туманимизда ишлар кизгин бошлаб юборилди, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши мутахассиси Гулбаҳор Гапирова. — Хусусан, «Хадра» маҳалласида кўча оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 50 дан ортиқ вояга етмаган ўсирир- ёшлар иштирок этди. Шу маҳаллада яшовчи болаларнинг «Кўнук» спорт-шахмат-шашка, футбол мусобақаларида фаоллик кўрсатишди. Айтиб ўтмоқчи эдимки, ушбу лойиҳа доирасида навбат билан «Музейларга ташриф», «Кўча кино», «Камолот» кунлари», «Қариялар патронажи», «Устоз-шогирд» концепцияси, сиёсий-ҳуқуқий, диний саводхонликни ошириш бўйича маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Худудимиздаги 98,41,34,115-мактаблар қўшдаги ва шаҳар ташқаридаги оромгоҳларда ёзги таътил вақтини яхши дам олиш билан ўтказиб туриш болалар учун «Кўча кино» лойиҳаси доирасида турли бадиий, ҳужжатли кинолар намойиш этилса, «Кўча спорт» уйинларида оммавий спорт мусобақалари ўтказилади. Айниқса биз бу лойиҳада 49 та маҳаллаларда яшаётган вояга етмаган болаларни кўпроқ жалб этишга эътиборни қаратганимиз. Уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш учун «Деворга расм чизиш акцияси», «Компьютер курслари» (бепул таълим олиш) йўлга қўйилган.

Айта МУҲАМЕДОВА

Бугун —Халқаро гиёвандликка қарши кураш куни АСР ВАБОСИДАН САҚЛАННИГ

ИНСОН СОҒЛИГИ ВА САЛОМАТЛИГИГА КУЧЛИ ТАЪСИР ЭТУВЧИ «OFU» БУГУНГИ КУНДА АСР ВАБОСИГА АЙЛАНГАНЛИГИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. ТИББИЁТДА НАШАВАНДЛИК—РУҲИЙ ХАСТАЛИК ДЕК ЮРИТИЛАДИ. БУ ХАСТАЛИККА ЧАЛИНГАНЛАРНИНГ КАЙФИЯТИ ТЕЗ ЎЗГАРУВЧАН, ХОТИРАСИ ВА ИШ ФАОЛИЯТИ ПАСТ БЎЛАДИ.

Сал нарсдан ҳадиксирайди, телбага айланади. Умуман гиёванд моддаларнинг ҳаммаси юрак томир тизимини, ошқозон-ичак йўллари эмирани, айниқса асаб система-сига ва бош миёга каттик таъсир қилиб, уларни ишдан чиқаради. Гиёвандлар касалхонада бор-йўғи 2 ой даволанишади. Кейин махсус назорат остида бўладилар. Аммо ашаддийлар бедаводир, ҳатто 1 грамм наркотик учун жонларига қасд қилишдан таймандилар.

27-30 ёшлардаги бир бемор тақдирини мисол келтириш мумкин. У бола мактабда аъло баҳоларда ўқир, айниқса химия, физика фанларини севарди, келажақда олим бўлишни орзу қилиб юрарди. Бироқ янги дўстлар ортирди, деб ўйлабди-ю аллақандай тўдага аралашиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шу-шу у гиёвандга айланди. «Ханки (улар қораторини шундай аташадилар) қабул қилган ўзимни енгил хис этардим», — дейди у. Ҳамма билан қақчақлашгим, бошқаларга ҳам хуш кайфиятни юктиргим келарди. Уни тополмаган лойиҳада эса, ота-онам ҳам, оилам ҳам, ишим ҳам кўзимга кўринмай, дунё тор бўлиб кетарди. Менга ҳамма нарса барибир эди. Ўғрилиқ қилибми, бировдан қарз олибми, ёки қимор ўйнабми қандай бўлмасин, зарур пулни толардимда, дорини ундирардим. Уни эздилик билан қон томирларимга юборган, жоним ором оларди. Милиция қўлига тушишдан қўра, қораторини топа олмай қолиш дахшатли эди. Унинг азобига чидаб бўлмасди».

Суҳбатдошимиз баданида оғриқ сезгандек тўсатдан сес-

канди. Асабийлашганидан қўллари титраб, унинг қўлларига қараб бўлмас эди. Укол қилавериб қон томилари бўртиб, кизариб, чандиққа айланган. Бу билиб-билмай саробга интилишини оқибати эмасми?!

Гиёвандлик ва гиёванд моддалар билан олди-соти қилувчилар истаса-истамаса фақат қотиллик, ўғирлик, босқинчилик, фоҳишалик каби жамият учун ўта хатарли қўчалардан юришга мажбурлигини яхши биладилар. Лекин шунга қарамай, олдиларидаги тубсиз жам томон боравердилар. Ўзини гурбат қангалига топшираётган кишилар, айниқса, ёшларга нима дейиш мумкин. Бирор касалликка чалинган одам қай аҳволга тушади. Дунё кўзига тор бўлиб, тузаши учун қар қандай ишдан қайтмайди, ўзини минг томонга уради. Ўз хоҳиши билан гиёвандликка ўрганиб, баданини захарга тўлдирганлар қандай кишилар экан. Ахир гиёвандларнинг умри охири-оқибати қандай туғаниши қўриб билиб турибмику?

Гиёванд моддаси инсон танасини емирувчи курт. Энг дахшати томони шундаки, гиёвандлар хуморини бошиш йўлида қариндош-уруғи, ота-онаси, ҳатто Ватанини ҳам сотишга тайёр. Демак гиёвандлик шунчаки жиноят эмас, балки мамлакат, умумжаҳон миксидида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардандир. Гиёвандлар ҳаёти ҳавф остида. Гиёванд модда ўпкада рақиб бошланишига, руҳий касалликлар, жинсий заифлик, қоннинг айланиши, миёя фаолиятининг бузилиши сингари хунук оқибатларнинг сабабчиси эканидан хабарлар бормикан. Гиёвандлар нафақат ўз соғлиқларига гутур етказдилар, балки оиласига, жамиятга ҳам катта зарар келтирадilar. Авлодларимизнинг соғломлиги йўлидаги асосий бурчимиз ҳар биримизнинг атрофимиздагиларга нисбатан донмий хушёрлик ва меҳр-оқибат кўзи билан қарашларимизга боғлиқ. Зеро, ҳар томонлама соғлом ота-онандангина соғлом авлод қолади.

Россия ИКРОМОВА,

шаҳар наркология диспансери врач-нарколога

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОНЛАР

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ! ОТА-ОНАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Ўлкамизга ёз фасли келиши билан бирга дам олиш, хордиқ чиқариш мавсуми бошланади. Шу жумладан мактаб ўқувчилари ёзги таътилга чиқишади, фарзандларимизни дам олиш масканларига юборамиз. Лекин кўпчилик болалар ёзги таътилни уларнида ўтказишларига тўғри келади. Шунинг учун хурматли ота-оналар, Сизлардан таътил пайтида фарзандларингизни қаровсиз қолдирмаглики илтимос қиламиз ва қўйидаги мурожаатга эътибор беришингизни сўрай-миз. **Лифт** —одам ёки юк ташини учун мўлжалланган транспорт воситаси бўлиб, ҳар кун лифт хизматида нафақат ота-оналар, балки болалар ҳам фойдаланишади. Шунинг учун ўрилли савол туғилади: болаларнинг мустақил равишда лифт хизматида фойдаланишлари мумкинми? Авваламбор хурматли ота-оналар, оғохлантирамизки 12 ёшга тўлмаган болаларга мустақил равишда лифт хизмати-дан фойдаланишлари қатъиян ман қилинади. Биз одатда болаларга мактабда, кўчада, шаҳар транспортларида ўзларини қандай тутишларини эслатамиз, лекин уларга лифддан тўғри фойдаланиш қоидаларини бузишлари қандай оқибатларга олиб келишини тушунтирамизми? Эслатиб ўтамизки, болаларнинг шўхлиги ва лифддан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмасликлари оғир оқибат-ларга олиб келиши мумкин. Болалар ҳар хил саргузашлар излаб, қавақдан-қавақга сайр қилишлари, шахта ичига киришлари ва қабина устида ёки остида арқон таёқлар ва бошқа мосламалар ёрдамида осилиб ўқишлари сабабли оғир жароҳатларни олишлари оқибатида умрбод ногирон бўлиб қолишлари ёки шундай қалтис шўхликлари қўпича ўлим билан туғаш мумкин. Бу ҳолатлар тез-тез учраб, бунга катталарнинг бефарқлиги, шўх, серҳаркат болаларга аҳамиятсизлиги оқибатида рўй беради. Болаларнинг шўхликлари оқибатида катталар ҳам зиён кўриши мумкин: яъни бунга шахта ёки эшик қўлларининг ишдан чиқиши, ҳавфсизлик асбоблари ва электр тақсимлаш тизимларининг бошқарилиши ишдан чиқиши сабаб бўлади. Агар биз катталар болаларни қаровсиз қолдирамасак, уларга лифддан тўғри фойдаланишни ўргатсак ва лифдта шўхлик қилмасликлари тўғрисида оғохлантириб турсак, лифдда бхтисиз ҳодисаларнинг бутунлай олдини олиш мумкин.

Фарзандларимизга лифддан фойдаланиш қоидаларини ўргатишимиз керак, жумладан: — лифт қабини рўпарагингизга келганига ишонч ҳосил қилгандан сўнг кириш мумкин; — «банд» чирогои ёниқ вақтида «чақириш» тугмасини босманг; — қабинга олдин катталар, кейин болалар кириши керак, чиқишда эса аксинча, олдин болаларни чиқаринг; — болалар аравачаси билан лифдта фойдаланганда болани кўлга олиш зарур. Олдин ўзингиз кириб, сўнгра болалар аравачасини олиб кириб; — агар қабина қаватлар орасида тўхтаб қолса, ўзбошимчилик билан қабинадан чиқишда эшиқдор ҳаракат қилманг, бу ҳавфли, мазкур ҳолат бўйича диспетчерга ёки лифтёрга «вызов диспетчера» ёки «звонок» тугмасини босиб уларни чақиринг ёки баланд овоз билан ёрдамга чақиринг; — агарда болаларнинг лифт билан шўхлик қилиб ўйнаётганини кўрсангиз сининг вазифанингиз — дарҳол бунинг олдини олиб, чора кўринг ва лифтёр билан диспетчерга хабар бериш.

«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» Давлат инспекцияси

Тадбиркорлик

«ЎЗМИЛАНА»: ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯ, ЮҚОРИ СИФАТ

СОТИБ ОЛИНГ, ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ, ЮТУҚ ЭГАСИ БЎЛИНГ «ЎЗМИЛАНА» ШУЎБА ҚОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАЁТГАН ТЕЗПИШАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЎЗИНИНГ ЮҚОРИ СИФАТИ, ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ҚАДОҚЛАНИШИ, ЭКОЛОГИК ТОЗАЛИГИ БИЛАН ИЧКИ БОЗОРДА ЎЗ ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА. ЮКСАК УНУМЛИ ХОРИЖИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА МАҲАЛЛИЙ ҲОМ АШАДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ҚОРХОНА МАҲСУЛОТИ СЕРТИФИКАТЛАНГАН БЎЛИБ, ЭНГ МУҲИМИ ТАДБИРКОРЛАР АВВАЛО ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ БИРИНЧИ ЎРИНГА Қўяди. ҚОРХОНА БОШ ДИРЕКТОРИ ЗОИР ҲОЛИҚУЛОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ҚОРХОНАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР, СИФАТГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ЭЪТИБОР ХУСУСИДА БЎЛДИ.

— Зоир ака, аввало қорхонанинг ташкил топиши, асосий мақсади ҳақида маълумот берсангиз. ШуЎба қорхонамиз 2004 йилда 100 фойз Россия давлати инвестицияси асосида ташкил топган бўлиб, ушбу мамлакатдаги «Милана Фуд» компанияси асосий таъсисчимиз ҳисобланади. 10 йилдан буён «Милана Фуд» савдо белгиси билан нафақат ички, балки жаҳон бозорига ўз ўрнига эга бўлган компания халқаро савдо форум ва кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, дипломлар ва қатор медаллар билан тақдирланган. Бу албатта, ютуқлардан далолат бериб, компания ўз маҳсулотларини қўлаб давлатларга экспорт қилади. Қорхонамиз ҳуСУСИДА Тўхтаб қолган бўлмас, асосий мақсадини «Ўзбекистон бозорини, диди баланд ҳаридорларни қимвий аралашмаларсиз тайёрлаган тоза экологик маҳсулот билан таъминлашди. Утган давр мобайнида, албатта, мақсадиимизга эришиш йўлида муваффақият билан изланишларимиз самара берди, бугунги кунда 19 турдаги теЗПИШАР таом маҳсулотини харидорларга етказиб беришмоқдамиз. Аллоҳида таъкидлаб ўтишим лозимки, маҳсулотини сифати таъминлаш, рақобатбардорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин оқсатдириш, харидорни турларини қўлайтириш учун барча имкониятларимиз мавжуд бўлиб, товарларимиз истеъмолчи талабини тўла қондиради. — Сифатли маҳсулот тайёрлашда нималарга эътибор қаратилади ва бу борадаги муҳим омиллар нима? — Аввало, маҳсулотимиз сифатини таъминлашда қорхонамиз ахлига юксак ўнумли, энг замонавий технология линиялар муҳим омил эканлигини айтишимиз керак. Чунки ишлаб чиқариш қорхонамиз Япония технологияси ҳисобига ва дастхў-ларни билан жиҳозланган ҳамда компьютерлаштирилган бўлиб, уларни 90 нафар-дан зиёд малакали ходим талаблар даражасидаги маҳсулот тайёрлаш учун маҳорат билан бошқаради. Сифат—маҳсулотимизнинг асосий кафолати бўлиб, қатъий назорат ўрнатилган. Бошқа ҳудди шундай маҳсулотлардан энг асосий афзаллиги—бизнинг теЗПИШАР таомимиз экологик тоза ва ҳеч қандай кимёвий қўшимчалар қўшилмайди. Шунингдек, тайёрланиши осон, ишлатишга қулай, уни ҳар бир истеъмолчи бир зумда ўзлаштириб олади, ёқимили таъми эса иштаҳангиз-ни очади. — Ишлаб чиқариши йил сайин ривожлантиришда нималарга эътибор қаратилади? — Айтиш жоизки, мамлакатимиздаги қўлай инвестицион муҳит, инвесторларга яратилаётган шарт-шароитлар ишлаб чиқариш ривожига муҳим омиллардан саналади. Шунингдек, бозорни чуқур ўрганиш, соғлом рақобатга эътибор қара-тиш, харидор талабидан келиб чиқиб рақобатбардор маҳсулот турларини яратиш ва аҳоли дастурхонига уларнинг соғлиғини ўйлаган ҳолда тортиқ этич қорхона истиқболини белгилади. Утган йилда имкониятларимизни ишга солиб 180 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, жорий йилда ушбу кўрсаткични бир неча баробарга оширамиз. ТеЗПИШАР таомларининг янги турларини ҳам тайёр-лашни кўзда тутиамиз. — Харидор эътиборини аввало юқори сифат ва яна қандай йўл билан жалб этасизлар? — Маълумки, шу йил апрелидан бошлаб, истеъмолчи харидорларимиз учун ажойиб совға ҳозирлаш ниятида ютуқлар уйини жорий этдик. Унга қўра истеъмолчиларимиз ўзлари харид қилган «Ўзмилана»нинг «Тез тайёрланадиган верми-шель» кадоқламаси ичидан купон топиб олиб, совға эгаси бўлиши мумкин. Истеъмолчи купон орасига ўз маълумотларини ёзиб, Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Ц. 17/15, 1-й (индекс 100019) га юборади. Ютуқ учун қимматбаҳо совринлар ва «Матиз» автомобилли қўйилган. Ютуқлар уйини ўч босқичда ташкил этилиб, биринчи босқич 17 июлда ниҳоятга етди. Иккинчи босқич 27 август, учинчи босқич эса 25 декабрда ақулланди, ютуқлар ағаларини топди. Таъкидлаш ўринлики, битта купон ана шу ўч босқичнинг ҳаммасида ўйналади. Шу боис ҳам биринчи ўинида омади келмаган истеъмолчилар иккинчи ўинида ютуқ эгаси бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмасдан сотиб олинг, истеъмол қилинг ва купонлар-ни бизга юборинг, қимматбаҳо ютуқлар эгаси бўлинг. Яна бир бор эслатиб ўтамиз: маҳсулот сертификатланган. Биринчи босқич ютуқларини 2007 йил 5 июлгача кўрсатилган манзилда рўйхатдан ўтиб олишингиз мумкин. Кўинда эса кўни кеча ютуқлар эгаси бўлган купон эгаларининг рақамлари-ни эълон қиламиз:

2007 йил 17 июнда ўтказилган «ЎЗМИЛАНА» ютуқ ўйини натижалари. Асосий ютуқлар голлибери қўйилган рақамдаги купонлар эгаси бўлди: Уйл телефон — А 3 7 5 4 3 6; Телефонор — А 3 1 9 2 6 1; Мусиқий марказ — А 3 9 8 8 3 1; DVD — А 3 6 4 5 1 1; А 3 0 1 5 8 3; А 3 8 1 8 5 5; А 3 0 0 8 1 0. Асосий совгалирини олиш учун 2007 йил 5 июлгача «ЎЗМИЛАНА» илорасида купонларни рўйхатдан ўтказиш керак. Кўиндаги рақамлардаги купонлар рабобатлантирувчи ютуқларга эга бўлиб:

A 3 1 5 4 3 6	A 3 2 9 2 6 1	A 3 1 8 8 3 1	A 3 1 7 0 8 7	A 3 1 9 0 1 4	A 3 1 9 0 2 9
A 3 2 5 4 3 6	A 3 9 2 2 6 1	A 3 2 8 8 3 1	A 3 2 7 0 8 7	A 3 2 9 0 1 4	A 3 2 9 0 2 9
A 3 3 5 4 3 6	A 3 4 9 2 6 1	A 3 3 8 8 3 1	A 3 3 7 0 8 7	A 3 3 9 0 1 4	A 3 3 9 0 2 9
A 3 4 5 4 3 6	A 3 5 9 2 6 1	A 3 4 8 8 3 1	A 3 4 7 0 8 7	A 3 4 9 0 1 4	A 3 4 9 0 2 9
A 3 5 5 4 3 6	A 3 6 9 2 6 1	A 3 5 8 8 3 1	A 3 5 7 0 8 7	A 3 5 9 0 1 4	A 3 5 9 0 2 9
A 3 6 5 4 3 6	A 3 7 9 2 6 1	A 3 6 8 8 3 1	A 3 6 7 0 8 7	A 3 6 9 0 1 4	A 3 6 9 0 2 9
A 3 7 5 4 3 6	A 3 8 9 2 6 1	A 3 7 8 8 3 1	A 3 7 7 0 8 7	A 3 7 9 0 1 4	A 3 7 9 0 2 9
A 3 8 5 4 3 6	A 3 9 9 2 6 1	A 3 8 8 8 3 1	A 3 8 7 0 8 7	A 3 8 9 0 1 4	A 3 8 9 0 2 9
A 3 9 5 4 3 6	A 3 0 9 2 6 1	A 3 9 8 8 3 1	A 3 9 7 0 8 7	A 3 9 0 1 4	A 3 9 0 2 9
A 3 0 5 4 3 6	A 3 1 9 2 6 1	A 3 0 8 8 3 1	A 3 0 7 0 8 7	A 3 0 9 0 1 4	A 3 0 9 0 2 9
A 3 1 5 4 3 6	A 3 2 9 2 6 1	A 3 1 8 8 3 1	A 3 1 6 0 8 7	A 3 1 9 0 1 4	A 3 1 9 0 2 9
A 3 2 5 4 3 6	A 3 3 9 2 6 1	A 3 2 8 8 3 1	A 3 2 5 0 8 7	A 3 2 9 0 1 4	A 3 2 9 0 2 9
A 3 3 5 4 3 6	A 3 4 9 2 6 1	A 3 3 8 8 3 1	A 3 3 4 0 8 7	A 3 3 9 0 1 4	A 3 3 9 0 2 9
A 3 4 5 4 3 6	A 3 5 9 2 6 1	A 3 4 8 8 3 1	A 3 4 3 0 8 7	A 3 4 9 0 1 4	A 3 4 9 0 2 9
A 3 5 5 4 3 6	A 3 6 9 2 6 1	A 3 5 8 8 3 1	A 3 5 2 0 8 7	A 3 5 9 0 1 4	A 3 5 9 0 2 9
A 3 6 5 4 3 6	A 3 7 9 2 6 1	A 3 6 8 8 3 1	A 3 6 1 0 8 7	A 3 6 9 0 1 4	A 3 6 9 0 2 9
A 3 7 5 4 3 6	A 3 8 9 2 6 1	A 3 7 8 8 3 1	A 3 7 0 8 7	A 3 7 9 0 1 4	A 3 7 9 0 2 9
A 3 8 5 4 3 6	A 3 9 9 2 6 1	A 3 8 8 8 3 1	A 3 8 0 8 7	A 3 8 9 0 1 4	A 3 8 9 0 2 9
A 3 9 5 4 3 6	A 3 0 9 2 6 1	A 3 9 8 8 3 1	A 3 9 0 8 7	A 3 9 0 1 4	A 3 9 0 2 9
A 3 0 5 4 3 6	A 3 1 9 2 6 1	A 3 0 8 8 3 1	A 3 0 0 8 7	A 3 0 9 0 1 4	A 3 0 9 0 2 9
A 3 1 5 4 3 6	A 3 2 9 2 6 1	A 3 1 8 8 3 1	A 3 1 0 8 7	A 3 1 9 0 1 4	A 3 1 9 0 2 9
A 3 2 5 4 3 6	A 3 3 9 2 6 1	A 3 2 8 8 3 1	A 3 2 0 8 7	A 3 2 9 0 1 4	A 3 2 9 0 2 9
A 3 3 5 4 3 6	A 3 4 9 2 6 1	A 3 3 8 8 3 1	A 3 3 0 8 7	A 3 3 9 0 1 4	A 3 3 9 0 2 9
A 3 4 5 4 3 6	A 3 5 9 2 6 1	A 3 4 8 8 3 1	A 3 4 0 8 7	A 3 4 9 0 1 4	A 3 4 9 0 2 9
A 3 5 5 4 3 6	A 3 6 9 2 6 1	A 3 5 8 8 3 1	A 3 5 0 8 7	A 3 5 9 0 1 4	A 3 5 9 0 2 9
A 3 6 5 4 3 6	A 3 7 9 2 6 1	A 3 6 8 8 3 1	A 3 6 0 8 7	A 3 6 9 0 1	